

Ўша куни эрталаб, талабалар байрами нишонланадиган куни болалар боғчасида олдингидан фаркли бесаранжомлик ва жонланиш юз берди. Кўчалардан гурух-гурух бўлиб бошлангич ва ўрта мактабларнинг ўкувчилари марш айтиб ўтишар, хаммаси шахарнинг олис сайлгоҳларига йўл олишарди.

Энг катта тарбияланувчиси олти ёшда бўлган бу боғча болаларини узокрок жойга элтиш бироз мушкуллиги туфайли хар йили улар байрамни кичкина оёклари билан 20 дакикача йўл босиб бориладиган хушманзара сой бўйида нишонлашади.

Тайёргарлик жой-жойида. Боғча турли-туман рангли кийимдаги жонли гуллар даласидек тўлиб-тошган. Ўгил болалар янги пойабзалларини артиб тозалашса, кизлар бир-бирининг соchlарини тўгрилаб, бузилган ленталарини боғлаб кўйишар, тугмаларини ўtkазишарди. Бу пайтда олти ёшли бир кизалок тош зинага ўтириб, тўрт ёшли етим ўртогининг сўқилган кўйлагини тикишга уринар, бу эса албатта, кўрган одамнинг хайратига сабаб бўларди.

Нихоят тайёргарлик тугаб, кувнок болалар гурухи йўлга тушди. Кичкинторлар бир кўлларида рангли пакетлар, ўйинчок ва егуиллар билан тўла саватларни кўтариб олишган, иккинчиси билан эса ўртокларининг кўлларидан маҳкам тутишганча йўлларида давом этишарди. Кўчада ортичча шовкин-сурон чикармаслик учун ўқитувчилар болаларга марш айттира бошлашди. Катта болалар коматларини бор кучи билан кўтариб, хурсандчиликдан ичига сигмай куйлашарди. Кичкиналар юришда кандай бўлса ашула айтишда хам шундай оркада колишар, натижада пала-партиш овозлар пайдо бўларди. Болалар кўчалардан ўтишаркан, деразалар очилиб аёллар бошларини чикарап, дўконлардаги сотувчилар нима бўлаётганини билиш учун кизикиб карашарди.

Болалар боғчасининг хамма саёхатларида бўлгани каби бу гал хам сафнинг бошида гамсиз кичкиналар билан бирга илдамлашарди. Гамсиз сарик рангли кари ит. У болалар боғчаси жойлашган маҳаллада яшайди. Гамсиз одамлардек тушуна олади. Лекин у баъзи одамларга караганда вафодоррок жонивор. Дайди юргани учунми, маҳалладагилар унга гамсиз деб ном кўйишган. Дарҳакикат, ростдан хам у жаъми итларнинг энг гамгини. Бунга бир неча йил аввал катта баҳтсизликка учрагани сабаб бўлган.

Ўшанда у тўрт боласининг бирданига захарланиб, кўз ўнгидаги тўлгона-тўлгона ўлганидан каттик гамга ботганди. Ўлик болаларини ортиб олиб кетаётган машинанинг оркасидан анча олисгача чопиб бориб, бир хафта оркага кайтмаганди.

Ўшанда уни бирор жойда фалокатга учраб жон берганини таҳмин килганлар хам бўлди. Бирок гамсиз девона ва ўйчан кўрингани билан жуда зийрак ит эди. У душманларини тез пайкаб олса-да, баъзан ўзини уларга ишониб захарли овкатларини еб, тузокларига тушадигандек кўрсатарди. Лекин бундай килмасди. Шу сабабли душманлари уни ўлдиришнинг иложини топишолмасди. Ўшанда у тез-тез кулокка чалинаётган совук гапларни чиппакка чикариб, бир хафтадан кейин яна маҳаллага кайтиб келганди. Аммо у энди баҳтга карши кариб, гамгинлашиб колган, узун сарик туклари лойга буланиб,

яраланган оёклари билан оксогланиб кадам ташларди.

Билмадим, ростми-ёлгон, махалладаги аёллар у хакидаги бир воеани кўп гапиришарди. Ёамсиз болаларининг ўлимидан кейин яшашни истамаган эмиш... Вайронага айланган бинолар олдида турганча осмонга караб ёлворгандек тўхтаб-тўхтаб улиган, болаларини захарлаган овкатдан унга хам беришларини сўраганмиш... Хатто бир марта захарланган экан-у, ўлмаган эмиш... Кўп азоб чекиб, анча пайт судралиб юргандан кейин яна оёкка туриб кетганмиш...

Фамсиз болалари ўлгач махалладагилардан хафа бўлиб, болалар бoggасининг оркасидаги вайронага жойлашиб олганди. У энди олдингидек кўчаларда айланиб юрмас, факат ахён-ахёнда бoggча дарвозасидан ийманиб ичкарига кириб болалар билан ўйнар, тушлик вактида улардан ортган егуликларни ер эди.

Катталарга караганда кўпроқ болаларга ишонарди. Кичиклардан ёмонлик кўрмаслигини билгани ва уларни хам ўлиб кетган кичкина жигарпоралари каби химоясиз эканини хис килгани учунми, шундай киларди.

Ўқитувчилар бу олтин рангли, хаммага махзун ва ўзгача меҳр билан караб кўядиган, болаларнинг хар бир эркалиги-ю жабр-зулмига бардош берадиган кари, кўча итини кувишмас, уни химоя килишарди. Шунинг учун болалар бoggасининг коровули ва ходимлари унга гамхўрлик килишарди. У кичкинтоиларнинг энг севимли дўстига айланганди.

Болалар бoggчалари жамиятнинг кичиклаштирилган бир бўлагига ўхшайди. Бу ерда камбагаллик, оиласа дод тушиши каби сабаблар билан жамиятдан ажратиб кўйилган ёки турли хил важ туфайли ёлгиз яшаш истагида уйидан кочган мургак болалар хаёт кечиришади. Фамсиз бoggчанинг бир чеккасида болалар билан овунади. Муштдек юракларида айтиб бўлмайдиган дард-у гамларини сигдириб яшаётган болалар унинг лой оёкларини кўлларида тутганча жонивор билан сухбатлашарди.

Фамсиз хам болаларга меҳрибонлик киларди. Хатто бир марта унинг бoggчада югуриб йикилган кичкинтоининг яраланган тиззасини тили билан ялаётганини кўрган ўқитувчилар хайрон колишганди.

Болалар тўдаси махалладан чикиб ям-яшил далалардан ўтадиган тор сўкмок бўйлаб харакатланар, гамсиз хаммадан олдинда магрур илдамларди. Лекин нимагадир бугун унинг кўзларида маъюс кайфият зохир эди.

Нихоят байрам ўтказиладиган жойга етиб бориши. Бу ер соя-салкин дарё сохили бўлиб, сув остида силкинаётган яшил сувўтлари тепадан аник кўриниб туради. Болаларнинг шовкин-суронидан ўтлокдаги кушлар хуркиб учиб кетди. Хозир уларнинг хурсандчилик киладиган пайти. Улар кичкириб-кувалашиб хар тараффга таркалишар, баъзилар дарахтга тирмасиб чика бошлашса, баъзилар ўтлокзорда юмалашиб ўйнарди. Кечкурун бўлишига хали анча вакт борлигини хисобга олмасдан бутун куч ва шодликларини сарф килишар, айримлари ул-бул егуликларини тановвул килишни хам бошлаб юбориши.

Фамсиз бироз жонланиб болалар билан ўйнай бошлади. Лекин бирданига тўхтади. Бошини кўтариб аламли фарёд килди. Кейин аста-секин жимиб колди-ю, каттакон иккита тошнинг орасида тўлгона-тўлгона ётиб колди.

Ит касалланган эди. Буни дархол фахмлаган болалар унга овкат олиб бордилар. У овкатни емас, вакти-вакти билан инграб, тишларини гижирлатиб кўярди. Унинг изтиробли бокишларини ўқитувчилар хам кўришди.

— Якинлашманглар, болалар... Нима бўлгандаям бу хайвон, балки кутурган бўлиши мумкин, — дейишди катталар.

Болаларни тартибга келтира олишмагандан кейин ходимлардан бирини навбатчи килиб кўйишга мажбур бўлишди.

ХХХ

Олти-етти ёшлардаги киз ниманидир эслаб, бакира бошлади.

— Эй, воҳ, гамсизни захарлашди. Бугун эрталаб харид килгани бакколга боргандим. Бир чеккадаги ахлатлар олдида уни кўргандим. Бошка итлар билан бирга бир нималарни ейишарди. Менимча, ана шу аник захарли овкат эди...

Ўқитувчилар кари итнинг бундай әхтиётсизлик килишини кутишмаганди. Бирок кизчанинг айтганлари тўгри эди. Фамсиз захарланиб кийналадиган хамма итлар каби тўлгониб-тўлгониб типирчиларди. Энди болаларнинг хурсандчилигидан асар хам колмади. Байрам ўтаётган ўтлокзор жим-жит бўлиб колди. Шу етмагандай, баъзи болалар йиглай бошлашди. Хамма киладиган ишини унутгандай, паришон бўлиб колганди.

Фамсиз богчанинг кадрдон хайвони бўлиб колган бўлса-да, ўқитувчилар байрамни болаларга захар килишни исташмади.

— Болалар, кўркманглар! Сизлар билмайсизлар, гамсиз олдин хам бир неча марта захарланиб, кейин тузалиб кетганди. Унга хеч нарса бўлмайди, кани, хамма ўйинга! — деди ўқитувчилардан бири.

Кичкинтойларни кийинчилик билан тарката бошладилар. Кимdir йиглашда давом этар, яна кимdir катталарнинг сўзидан таскин олиб, Камсиз сабрли жонивор, унга хеч нарса килмайди, дейишарди. Хатто кичкина ховучларини очиб, уни дуо килганлар хам бўлди.

Болаларни гамсиздан узоклаштиришнинг иложи бўлмади ва ўқитувчилар бунинг бошка чорасини ўйлаб топишли. Улар байрам жойини икки-уч дакика олисликдаги бошка бир ерга кўчиришга карор килишди. Тўшанчилар, пакетлар йигиштирилиб, болалар гамсизни ёлгиз ташлаб кета бошлашди...

ХХХ

Болалар ўзаро келишиб олишдими, хар тўрт-беш дакикада бир ўкувчи йўколиб колар ва улар хеч кимга билдиrmай гамсизнинг ахволидан хабар олишарди. Бундан энг кичкина болалар хам хабардор бўлса-да, ўқитувчилардан сир тутишиб мик этишмасди.

Бир соат ўтиб, гамсиз жон таслим килаётгани хакидаги совук гап таркалди. Бечора ётиб олган тошлар орасидан чикиб, ачинарли ахволда типирчиларди. Гамсизнинг оғзидан кон келаётгани учун юз-кўзи, оёклари кип-кизил тусга кирганди. Энди на буйрук, на дўк-пўписа болаларни итнинг олдига боришдан тўхтатиб кола оларди. Хамма болалар бирданига бакириб йиглаб чопа бошладилар... Ўқитувчилар зўрлик билан икки-учтасини кайтариб колишса, яна бошка саккиз-тўккизтаси кочиб кетишарди.

Бирок энди хеч ким итга якинлаша олмади. Чунки гамсизнинг типирчилаши кўркинчли тус олган эди. У ўзини кўярга жой тополмай типирчилар, оёклари билан хар тарафга тупрокни титкилар, конга бўялган оғзини осмонга каратиб, таҳдид килаётгандай тушунарсиз овозда гингширди. Бу хол бир муддат давом этгач, охири у сўнгги кучини тўплади. Ва ичини ёндираётган оловни пасайтириш учун дарё томонга югуриб кетди.

ХХХ

Худди шу пайтда дарё устидаги омонатгина тахта кўприк якинида, чамаси, беш ёшлардаги икки кизча ўйнаб юрарди. Улар итнинг чанг-тўзонга буланиб ўзлари томонга югуриб келаётганини кўриб, кўркиб кетишди. Кўприкдан нариги тарафга ўтиб олмокчи бўлишди-ю, азбаройи шошилганидан биттаси дарёга тушиб кетиб, жон холатда питирлай бошлади.

Фалокатни кўрган гамсиз дархол тўхтаб колди. Йўлини кўприк тарафга ўзгартириб чопди ва кизчанинг оркасидан сувга отилди. Оғзи билан унинг кийимидан тишлаб саёзрок жойга олиб чиқди. Ўқитувчилар етиб келгунича уни сув устида ушлаб турди.

Кейин сабри ва насибаси тугади чоги, аста оёклари остида сувга йикилди. Бир-икки марта шўнкиб атрофдаги сувни харакатлантирди ва жони узилди. Бўшашиб колган танаси бир зайлдаги сув окимиiga бўйсуниб, аста-секин сохилдан узоклаша бошлади.

Исматулла ДЎСТМУРОДОВ таржимаси